

**Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси тизими ходимларининг ҳуқуқий  
онгини янада ошириш, коррупцияга оид маълумотларни  
тарғиб қилиш юзасидан  
МАВЗУЛАР**

**ҳаётни маъмурий ва бюрократик йўл билан бошқаришга интилган  
ҳокимият бошқаруви**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4546-сонли қарори тасдиқланди.

Бунда:

- эскирган бюрократик усулларда иш юритиш, шу жумладан ҳужжатлар айланмасига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш даражасининг пастлиги, қоғозбозлик ҳажмининг юқорилиги, шунингдек, амалий аҳамиятга эга бўлмаган кўплаб йиғилиш ва мажлислар ўтказиш амалиётидан воз кечиш;

- 2020 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг 11 та функция ва ваколатлари давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига ўтказиш:

- 2020 йил 1 январдан 28 турдаги ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларнинг берилишини тўхтатиш;

- 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ҳужжат айланиши ва ҳисоботлар юритишни фақат электрон кўринишда шакллантириш ва амалга ошириш;

- вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар давлат органлари ва ташкилотларининг барча ходимлари ва раҳбарларини белгиланган тартибда электрон рақамли имзолар билан таъминлаш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мазкур қарор талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳамда аниқланган қоидабузарликларни кенг ёритиш ва бошқалар.

**йирик маблағ эвазига ишбилармонлар ўз даромадини  
кўпайтириши ва алоҳида имтиёзга эга бўлиш учун ҳукумат амалдорини  
пора эвазига сотиб олиши ёки бўйсундириши**

192<sup>9</sup>-модда (ЖК) тижоратда пора эвазига оғдириб олиш;

Башарти пора эвазига оғдириб олишни амалга оширган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкый манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан

пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

192<sup>10</sup>-модда нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлатташкilotининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

213-модда. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

214-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши;

61<sup>1</sup>-модда. (МЖТК) Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

193<sup>1</sup>-модда. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

193<sup>2</sup>-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиш;

**ваколатли ва ҳокимияти бор шахсларнинг шахсий манфаатини  
устун қўйиши, ўзбошимчалик, ҳисобдорсизлик, ошкорасизликка  
йўл қўйиши**

бошқа вазирликлар, идоралар ва давлат органлари ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат бошқаруви идораларининг шаффофлиги ва ҳисобдорлиги соҳасидаги фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш;

ҳар бир вазирлик, давлат идоралари ва ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган ҳаражатлар, инвестиция ва харидлар фаолияти масаласида ахборотни ошкор қилиш ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериш амалиётини йўлга қўйиш;

давлат органлари томонидан ошкор қилинадиган маълумотларнинг ҳисобдорлиги, очиклиги ва сифати тўғрисида йиллик ҳисоботларни ишлаб чиқиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қилиш, шунингдек ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш;

Жамоатчилик кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш.

**аҳолининг ҳуқуқий билими, маданият даражаси, маънавияти,  
уюшқоқлиги ва жамоат фаоллиги пастлиги**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январь кундаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли фармони тасдиқланди.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади.

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш **«шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият»** принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилади.

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кўрсатган хизматлари учун топшириладиган «Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси» кўкрак нишони белгиланди.

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида **«Жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат куришнинг гаровидир!»** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш керак.

аҳоли орасидаги турли муаммоли масалалар, хусусан, миграция, моддий ёрдам, ер олиш, уй-жой олиш, коммунал масалалар, имтиёзлар, алимент, ишга жойлашиш, таълим олиш ва бошқалар бўйича ҳуқуқий

ахборотни буклет, флаер, лифлет ва плакатлар шаклида аҳолига етказиш лозим.

Маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида тизимли «Ҳуқуқий ахборот куни»ни ташкил этиш, бунда аниқ бир кунда режалаштирилган йўналиш бўйича малакали мутахассислар (адвокатлар, нотариуслар, юридик хизматлар ходимлари ва бошқалар) томонидан аҳолига ҳуқуқий тушунтиришлар берилишини таъминлаб бориш керак.

Ҳар бир давлат органлари ва муассасаларида «Ҳуқуқий маданият ойлиги», «Одоб-ахлоқ ойлиги» ҳамда «Коррупцияга қарши курашиш ойлиги» тадбирларини ташкил қилиш лозим.

Аҳолида коррупцияга мурасасизлик кайфиятини шакллантириш мақсадида ижтимоий шериклик асосида коррупцияга қарши тарғибот материаллари (журналистик материаллар, блогпостлар, карикатуралар, буклет, флаер, баннерлар, юмористик асарлар) мегатанловини ўтказиш керак.

### **давлат ва жамоат бошқарувида кадрларни жойлаштириш, мол-мулк ва маблағ билан боғлиқ муносабатлар ўрнатишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилиши**

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида «Манфаатлар тўқнашуви» тушунчасига изоҳ берилган, яъни манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир.

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АСОСЛАРИ**

**2020 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4761-сонли Қарори қабул қилинди.**

Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 50 та штат бирлиги миқдорида белгиланиб, улардан 10 та штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, 40 та штат бирлиги эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилди.

**2021 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони қабул қилинди.**

Давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

«Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри» (кейинги ўринларда — Реестр) юритилиши белгиланди.

Реестрга киритилган шахсларга қуйидагилар:

давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши;  
сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодларнинг кўрсатилиши;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиял органларнинг аъзоси бўлиш;

улар томонидан таъсис этилган ва (ёки) улар иштирокчиси ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиш, шунингдек, давлат активларини хусусийлаштириш билан боғлиқ тендер ва танлов савдоларида иштирок этиш;

давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиш тақиқланиши белгиланди.

2022 йил 1 январдан бошлаб, давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизими жорий этиш белгиланди.

Унга кўра, давлат хизматчиси томонидан декларацияни тақдим этишдан бош тортиш ва қасддан нотўғри маълумотларни киритиш уни давлат хизматидан четлаштиришга ва қонунда белгиланган жавобгарликка тортишга асос бўлади;

2022 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади (хорижда ишлаётган давлат хизматчилари ва давлат хизматига киришдан олдин олинган мол-мулк бундан мустасно).

Жиноят кодексида коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш;

коррупцияга оид жиноятлар учун белгиланган жазо чораларини узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кескин кучайтириш;

даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик ўрнатиш;

коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазони ўташда енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига чекловлар белгилаш.

**2021 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш  
фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-  
тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли Қарори қабул  
қилинди.**

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартибини жорий этилиши белгиланди.

давлат органлари ва ташкилотларида кадрлар билан ишлаш, хўжалик ишлари, молия-иқтисод бўлинмалари ва назорат функциясига эга тузилмалар раҳбарларини муайян муддатда ротация қилиш ҳамда суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш бўйича бошқа механизмларни жорий этиш белгиланди.

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди.

2021 йил 1 августдан бошлаб давлат харидлари соҳасида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлат харидлари соҳасида ўтказиладиган тендер (танлаш) натижаларини мажбурий тарзда очиқ эълон қилиш амалиёти жорий этилиши белгиланди.

**2022 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
“Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг  
баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  
ПФ-81-сонли Фармони қабул қилинди**

коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш (кейинги ўринларда — рейтинг баҳолаш) қуйидаги бешта йўналиш бўйича белгиланган индикаторлар асосида амалга оширилади:

Рейтинг баҳолаш алоҳида индикаторлардан ташкил топган қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

**биринчи йўналиш** — давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;

**иккинчи йўналиш** — коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

**учинчи йўналиш** — давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

**тўртинчи йўналиш** — ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

**бешинчи йўналиш** — коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

81 баллдан 100 баллгача тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги — «яхши»;

55 баллдан 81 баллгача тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги — «қониқарли»;

55 дан паст балл тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги — «қониқарсиз» деб топилади.

биринчи йўналиш — максимал 35 балл;

иккинчи йўналиш — максимал 30 балл;

учинчи йўналиш — максимал 15 балл;

тўртинчи йўналиш — максимал 15 балл;

бешинчи йўналиш — максимал 5 балл.

**Инсон ресурслари ва комплаенс  
назорати бўлими бош мутахассиси**

**Б.Саидқосимов**